# НОБОП ХОНАДОН ТАШВИШЛАРИ

## ВОҚЕИЙ ҲИКОЯ

Эртаси тушликдан сўнг одатдагидек уйга қайтдим. Ювиндим. Кийимларни алмаштириб, каравотга чўзилдим, ёнбошлаганча Цвейгхонликка киришдим. «Номаълум аёл мактуби»... Чизиб-чизиб ўқияпман... Изтиробларга тўла эҳтирослар... Инсон қисмати бунчалар абгор бўлмаса!.. Бирдан!..

Жимжит хонада китоб ўқиб ётсанг, атроф сув қуйгандек сукунат оғушида, «тиқ» этган шовқин эшитилмаса, тўсатдан уйнинг деразаси синиб тушгудек қарсиллаб очилса!..

Сапчиб ўрнимдан туриб кетдим. Азбаройи нафасим қайтиб кетди. Биринчи бўлиб хаёлимга кечаги қизалоқлар келди. Қарасам! Турсунбой!

— Ҳа, — дедим, чўчиганимни сездирмасликка уриниб. — Тинчликми?

Турсунбойнинг ўзи ҳам қўполлик қилганини сезди чоғи, ўнғайсизланиб илжайди.

— Ака, ётибсизми?.. — деб сўради, бошини ичкарига суқиб.

— Ётибман... дедим ёқинқирамай.

Турсунбой хона ичига бирров кўз югуртирди-да, на кечирим сўрамай, на бошқа бирорта арзирли гап-сўзини айтмай, нари кетди.

Кеч оқшом у кирза этигини дўпирлатиб судраб, кириб келди.

— Тўй қилишга рухсат тегибди, — деди Америка очгандай оғзининг таноби қочиб.

— Қанақа тўй? — сўради Обид.

— Пахта мавсумида раис рухсат бермагунича ҳеч ким тўй қилолмайди. Энди плон тўлишига пича қолгани учун, буёғи совуқ тушиб қолди, юқоридан тўйга рухсат тегибди.

— Ол-а, тўй ҳам рухсат билан экан-да! — деди тиржайиб Одил.

— Аслида тўй-тантаналар план тўлганда ярашади-да, — эътироз билдирди Обид. — Ҳамманинг фикр-хаёли планни бажариш билан банд бўлиб турган шундай оғир кунда... юракка тўй сиғадими?

— Нега сиғмас экан, нега сиғмайди? План тўладимийўқми, далани кўриб турибсан, шашвар ҳам қолмади терадиган! А бу...

— Барибир, — билганидан қолмади Обид, — Шу кунларда пахтадан зарурроқ, пахтадан муҳимроқ ташвиш йўқ ва бўлмаслиги ҳам керак! От и до!.. Каттаю-кичик эсли одам борки, пахтадан бошқа нарсани ўйласа харом!..

— Вой, вў-ў! — деб наъра тортиб юборди Одил. — Обидвой! Жа-а, коммунистликнинг қип-қизил қони томирларинггача сингиб кетганми дейман, оғайни?

— Шундай.

— Шундай бўлса, ахир раиснинг ўзи, юқоридан рухсат тегибди, булар тўйини ўтказаверсинми? Рухсат берадиларми?

— Ким?

— Булар, яъни, Турсунбойнинг поччаси бир жуфт ўғилчасининг қўлчасини ҳалоллатиб қўймоқчи экан, шунга эрта ўтиб индинга худди шу пайтда гижбадабанг базми жамшидга таклиф этилибмиз. Қалай?!

Одил шундай деб туриб тўсатдан хо-холаб кулиб юборди. Унга Обид қўшилди. Мен индамадим. Турсунбой илжайиб, баҳсимизга тушуниб-тушунмай кулимсираб қараб ўтирар эди.

— Борасиз-а? — деб сўради у менга қараб.

— Борамиз, борамиз, — дедим Турсунбойнинг кўнгли учун. Аслида ўша дақиқанинг ўзидаёқ тўйга бормасликни кўнглимга тугиб қўйдим.

Мен Турсунбойнинг кундузги «қилиғи»ни суриштирмоқчи эдим, негадир унутибман. Ўзи ҳам индамади. Индамадию... түппа-тўсатдан пайдо бўлиб деразани шарақлатиб очиши ва ичкарига ҳадик тўла кўзлари билан аланглаши ва бир зумда енгил тортиб, изоҳсиз-несиз изига қайтиши эртасига ҳам, индинига ҳам такрорланди. Бу ҳодиса ҳар сафар шу қадар кутилмаганда юз берар, ҳар сафар шу қадар чўчитибгина қолмай, ҳатто ўтакамни ёриб юборар эдики, охири чидолмадим, мезбон эканига қарамай-нетмай Турсунбойни шу бефаросатлиги учун бўралатиб сўкишга шайланиб ётдим.

Ҳа-я, опа-сингил қизалоқлар ёнимга кирган кундан буён келинчак ҳар оқшом оҳиста келиб деразадан салом берар-бермай бир косада овқат қўйиб кетадиган одат чиқарди. Биз унинг овқатига қараб қолмагандик. Бунинг устига, ўзи шундайига ҳам чор-ночор яшаётган хонадонга оғирлигимиз тушаётганидан ҳижолатда эдим. Кечқурун Турсунбой кирганда айтдим.

— Бизнинг емишимиз етарли, дўстим, — дедим Турсунбойга, — келин овора бўлмасинлар.

Турсунбой хонтахта устидаги косага қараганича тикилиб қолар, худди косага яна бир оз муддат тикилиб турса унинг ичидан нимадир чиқиб келадигандек, ўзини қийнаётган бир синоатни аниқлайдигандек кайфиятда анграйиб қолар, бирдан косадан кўзини узиб бошини кўтарганича аввал Обидга, Одилга, сўнг менга узоқ-узоқ тикилиб турар, дилидагини тилига кўчиролмай азобдан тўлғонаётгани қиёфасидан шундайгина сезилар эди.

— Айтдим, — деди Турсунбой, ҳардамхаёл бўлиб, — Айтдим... билмадим, негадир кўнгли бўлмадими... Илиняпман, мусофир йигитлар, дейди...

— Раҳмат — деди Обид, — келиннинг қўли ширин экан.

— Мириқяпмиз, — унга қўшимча қилди Одил одатдагидек ҳиринглаб, — илло биз келгунча манави паққос тушириб қўяётгани чатоқ бўляпти-да!

Бу гап ҳаммадан ҳам кўра Турсунбойнинг дардидунёсини ағдар-тўнтар қилиб юборганини кейин билдим.

Ҳаётнинг оддий бир ҳақиқатини англаш учун тўстўполон қўзиши, ҳатто милтиқ кўтаришгача бориш лозимлиги кимнинг хаёлига келади дейсиз!

Ҳодиса Турсунбойнинг поччаси базмидан сўнг юз берди.

Оқшом йигитлар даладан қайтгач, Турсунбой келди, қўярда-қўймай бизни базмга таклиф қилди. Мен кўнмадим. Обид билан Одил зумда посон бўлиб кийиниб олишди. «Ака, сизларни меҳмон қилолмадим, юринглар, почча тайинлаб юборди», деди Турсунбой астойдил меҳмоннавозлик қилиб.

**Хуршид ДЎСТМУҲАММАД**

**(Давоми бор)**

**(Давоми. Боши ўтган сонларда)**



**Деҳқонобод туманидаги Дўконхона қишлоғида ҳали ҳам чанқовузни эъзозлаб авайлашади. Бу сеҳрли чолғу орқали ўзларининг шодликларини турли оҳангларда ифода этишади.**

**Суратда Иззатой опа Тошпўлатованинг чанқовуз чалиб турган пайти акс эттирилган.**

**Б. ИСМОИЛОВ олган сурат.**


# ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

**1999—2000 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг барча ўқув юртларига тест синовлари асосида киришга тайёрлаш учун 2000 йил 1 январдан бошлаб 6 ойлик кундузги пуллик тайёрлов курсига тингловчилар**

## ҚАБУЛИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Аграр университетнинг пуллик тайёрлов курси Ўзбекистон Республикасининг барча ўқув юртларига кириш учун қуйидаги фанлар: математика, физика, химия, биология, ўзбек тили ва адабиёти, чет тили фанларидан тест синовлари топширишга тайёрлайди.

Тингловчилар ётоқхона ва стипендия билан таъминланадилар.

Университетда овқатланиш, даволаниш, ўқиш ва дам олиш учун ҳамма шароитлар мавжуд.

Ҳужжатлар 1999 йилнинг 31 декабригача қабул қилинади.

Тайёрлов курсига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари шарт:

1. Ректор номига ариза.
2. Ўрта мактабни тугатганлиги ҳақида шаҳодатнома.
3. 086/V шаклидаги тиббий маълумотнома.
4. 3х4 ўлчамли 4 дона фотосурат.

Ўқув машғулотлари университетнинг малакали профессор ва ўқитувчилари томонидан олиб борилади.

**Манзилгоҳимиз: Тошкент — 700140, ТошДАУ (19, 83, 96, 115, 491, 495, 129-автобуслар ва 15, 53, 49, 29-маршрут таксиларнинг «Тошкент Давлат Аграр университети» бекати).**

**Маълумот учун телефон: 63-75-07.**


# САРИҚЗИРА

## ТАБИАТ ШИФОХОНАСИ

Сариқзира таркибида инсон саломатлиги учун бир қатор фойдали моддалар мавжуд. Унинг уруғларида 2,75-3 фоиз, баргларида 0,12 фоиз эфир мойи бор.

Маълумки, Ўрта Осиё халқлари, шу жумладан ўзбеклар сариқзирадан зиравор сифатида кенг қўламда фойдаланадилар. Сариқзира бир қатор таомларни хушхўр таъмли қилиш билан бирга шифобахш ҳам.

Абу Али ибн Сино сариқзирадан буйрак-тош касаллигида тошни туширувчи, сафро ва ел ҳайдовчи дори сифатида, нафас, сийдик йўллари ҳамда кўз касалликларини даволашда фойдаланган. Шунингдек, зиранинг суви билан юз ювилса, у тиниқлашишини айтган.

Ҳ. Х. Холматов, З. Ҳ. Ҳабибовнинг келтирган маълумотларига қараганда, сариқзиранинг мевалари халқ медицинасида қорин оғриқлари ҳамда талоқ шишларини даволашда истеъмол қилинади, ўсимлик меваларининг сиркадаги дамламаси бурундан қон кетишида, қовурилган мевалари эса сийдик ҳайдовчи омил сифатида тавсия этилади.

**(«Шифобахш неъматлар» китобидан)**

# ҚОВОҚ МАНТИ

## ПАЗАНДА МАСЛАҲАТИ

500 г ун, 1 кг тозаланган ошқовоқ, 1 та тухум, 5 бош пиёз, туз, қалампир, 150 г жизза ёки думба ёғи.

Ошқовоқни кубик шаклида майда қилиб тўғраб, майдаланган пиёз, думба ёғи, қизил қалампир, туз қўшиб аралаштирасиз.

Унга тухум, сув, туз солиб хамир қорасиз ва тиндириш учун 30—40 минут олиб қўясиз. Сўнгра зувалани ўқлов билан 1—2 миллиметр қалинликда ёйиб, 10х10 см катталигида тўртбурчак бўлакчаларга кесасиз. Ҳар бир жилдга тайёрлаб қўйилган масалликдан солиб, манти тугасиз. Таом мантиқасқонда 30 минутда пишади.

# МИНГ ҚЎЙЛИ БОЙ

**(Боши 1-бетда)**

Ҳикоямиз қаҳрамони — Бухоронинг Жондор туманида туғилган Бобоназар Чориевни кўпчилик полвон сифатида танийди: 1978-82 йиллардаги шиддатли курашлари минглаб мухлисларининг қалбида, хотирасида эъзозланади. У бугунгача курашдан, мураббийликдан ажрамади. Самбо, дзю-до ва миллий курашлар бўйича мамлакатимизнинг етти марта чемпиони Бобоназар ҳозир 40 ёшда! Беш фарзанднинг отаси, аёли Мўмина Остонова ўрта мактабда рус тили ва адабиётидан дарс беради.

Полвон билан суҳбатлашиб турганимизда:

— Биз полвонларни эслаб хайрли қадам қўйибсиз, ака, — деб астойдил хурсанд бўлди у. — Бугун Собир Қурбонов ва ака-ука Юсуповлар сулоласини, машҳур Барно полвон Жўраевни, устоз Исмоил Туропни, фавқулодда истеъдодли Шуҳрат Хўжаевни, Чори полвон Шариповни, нафақат Ўзбекистон, балки дунё танийди. Энди бизга келсак... курашдан кўнгил узмасак-да, ота касбимизни ҳам унутмай чорвадор полвон бўлиб юрибмиз. Қўйларим мингтага етди, 150 бош қорамол боқяпмиз. 35 гектар еримиз бор, буғдой, макка, беда экамиз...

**МУАЛЛИФ ҲИКОЯСИ**

— Бобоназарнинг хотиржам, аниқ, самимий сўзларидан сўнг ўйланиб қолдим. Баъзилар полвонларни вақтинчалик шуҳратга берилган, ёшлик даврида кучига ишониб гердайиб, кўча уруш-жанжалларига аралашиб, умрини беҳуда ўтказадиганлар тоифасига қўшиб қўяди. Баъзан бундай ўйлашга изн берадиган ёш-яланглар ҳам топилади. Аммо, чиндан ҳам шундаймикан? Бир нарсага иқрор бўлиш жоизки, озодлик — юртимиз мустақиллиги турли тоифадаги юртдошларимизнинг дунёқарашини, турмуш тарзини ўзгартирди, янгилади. Уларни касб, меҳнат, ҳаракат бирлигига яқинлаштирди. Бундоқ ўйласангиз, Бобоназар полвоннинг уй-жойи, болалари, касби, машинаси, обрў-эътибори жойида, билагида куч-қуввати бисёр. У бундай имконга аллақачон ўз саъй-ҳаракати, полвонлик ҳунари билан эришган. Хуллас, у жонини койитмай хотиржам яшаши ҳам мумкин эди...

**БОБОНАЗАР ПОЛВОН ҲИКОЯСИ**

— Оилада ўн фарзанд — уч қиз, етти ўғилмиз. Тўнғичи ўзимман. Раҳматли отам жамоа хўжалигида чорвачилик билан шуғулланар эдилар. Бухоро педагогика институтининг жисмоний тарбия бўлимини тугатиб, туман «Пахтакор» жамиятида раис, бир вақтнинг ўзида Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтида сиртдан ўқидим. Тўйларда ўн йил биринчи табоқ — бош соврин учун курашдим. Атроф вилоятлар: Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм ва қўшни Туркманистон тўйлари менсиз ўтмасди. Қўшнилар биз бухоролик полвонларни ҳамиша ҳурмат билан тўйларига чорлашар эди. Мен каби кўплаб полвонлар учун тўй катта, ҳалол мусобақа ўрнини босган. Тарбиямиз тўйда шаклланиб, суягимиз тўйда қотган ва илк бор ҳакам ғолиб, деб қўлимизни тўйда кўтарган...

Сир эмас, собиқ Иттифоқ даврида миллий полвонлардан камдан-камига халқаро мусобақаларда қатнашиш имкони насиб этган. Айниқса, ўзбек полвонларини қандай, қай йўсинда кмситишгани бизга аён... Минг шукр, ўзбекнинг, ўзбек курашининг номи дунёга танилаяпти. Бунинг учун ҳар бир катта-кичик полвонларимизнинг Юртбошимизга нисбатан миннатдорчилиги чексиз. Биз Президентимиз Ислом Каримов сиймосида юртга, миллатимизга бўлган буюк бир фахр ва меҳрни, истиқлол йўлида толмас курашчини кўрамиз...

Тўй кураши ҳақида кўпроқ қизиқаяпсиз. Тўйда курашган полвонларнинг орияти кучли бўлади. Чунки ўзбекнинг ҳар битта суннат тўйида бутун мамлакатимиздан томошабин йиғилади, десам ишшонаверинг. Бунга ўзингиз ҳам гувоҳ бўлгансиз...

**МУАЛЛИФ ҲИКОЯСИ**

— Бугун биз мулкдор деб таърифлаётган Бобоназар полвонни ҳаёт кутилмаган зарбалари билан қаршилади. Белоруссиянинг Минск шаҳрида самбо кураши бўйича ўтказилган мусобақадан ғалаба билан қайтаётган 20 ёшли талаба Бобоназарни уйида машъум воқеа кутарди.

— Хурсандчилигим чексиз, шу кун туғилган куним, бунинг устига ўз вазн тоифам бўйича (82 кг) ғалаба менинг номимга ёзилган эди, — деб хотиралайди у. — Уйдагилар, айниқса, отам хурсанд бўладилар деб тезроқ уйга шошилардим. Қарангки, худди шу фурсатда отам Шаҳназар Чориев автоҳалокат туфайли қирқ тўрт ёшда вафот этиптилар...

Институтнинг охирги курсида ўқиётган Бобоназарга 9 ука-сингилнинг тирикчилиги, масъулияти мерос бўлиб қолди. Ота вафотидан бир неча ой ўтиб онаси Фотима ая ҳам фарзандлари билан мангуга хайрлашди. Эрига қаттиқ кўнгил қўйиб боғланган Фотима ая жудолик аламини кўтаролмади...

Ўқиш, ишлаш, курашиш — топганини уйга — Бобоназарнинг меҳр-мурувватига кўз тикиб ўтирган етим укаларига ташиди. Эгасини йўқотган катта оилада у ҳам ота, ҳам она, ҳам акалик қилар, укаларини тезроқ эл қаторига қўшиб, улар юрагидаги армонни қувишга интиларди. Бобоназарнинг назарида у кураш билан эрта хайрлашгандек туюлади. Юрагида армонга ўхшаш оғриқ сезади. Уни тушуниш мумкин. Чунки бугун мамлакатимиз полвонлари эришаётган кетма-кет ғалабалар, уларга яратилаётган шароитлар ҳақиқий полвоннинг юрагига ўт қалайди.

— Ветеранлар мусобақаси уюштирилса ҳозироқ курашишга тайёрман, — дейди полвон. Ҳа, уни тушунса бўлади, ажаб эмаски, яқин йилларда юртимизда шундай мусобақа ўтказилса... Унинг қисқа муддатли кураш тарихи ҳавас қиларли натижаларга бой. Самбо, дзю-до, миллий курашларидан етти бор Ўзбекистон чемпиони бўлиш осон эмас. Бобоназар Чориевнинг ҳаёти бугунга қадар курашлар ичида — курашиб ўтаяпти. Менга қолса, уни мутлақ чемпион деб айтгим келади. Чунки у гиламдаги ғалабалари — шоншуҳратни деб зиммасидаги оталик, акалик, жигарлик масъулиятидан қочмади. Ўзидан сўнг бирин-кетин қадам босиб улғайган тўққиз хонадонга бош бўлиб, яна улкан тўққиз ғалабага эришди...

**БОБОНАЗАР ПОЛВОН ҲИКОЯСИ**

— Қулочини кенг ёзиб, мағлубият нималигини билмай, ёшлик завқи, куч-қуввати билан олишаётган полвоннинг бошига бирдан гурзи тушса — нима бўлади? Мен шу кўйга тушдим, ака. Ота-онамнинг бевақт ўлими бошимга ногоҳ урилган гурзи бўлди. Назаримда бир кунда улғайдим. Мусобақаларда мухбирлар:

— Полвон, Сиз учун гиламда курашиш осонми ёки ҳаётда? — деб сўрашар, ўшанда тайинли жавоб айтишга қийналар эдим. Чунки, мендек ёш, эрка полвоннинг кўрган-билгани — гилам, тўй, давра эди-да, ҳаёт деб аталган улкан кураш майдони олисда эди, вақт, синов деб аталган одил ҳакам бошчилигидаги курашлар нималигини билмасдим...

Тизилишиб турган 9 укамга термулиб, ҳар қандай орзу-ҳавасдан кечиб, улар учун ишлашим шарт деб ўйлардим. Кўзимга улардан бошқа ҳеч нарса кўринмасди... Шукр, тақдирни қарангки, Сиз келмасингиздан сал олдин — яқинда кенжатой синглимни узатдим — эгасига топширдим. 40 ёшимда кўп тўй кўрдим, аммо, буниси бошқача бўлди. Агар ишонсангиз, синглимни узатиб, қариндош-уруғ, дўстбиродарлар, аввало, ота-онамнинг руҳларини тинчитиб, қарзимдан холос бўлган кеча онам тушимга кирдилар, пешонамдан ўпиб, фарзандларим Шерназар, Бухорбек, Муниса, Мадина, Маърифат турадиган уй томон кулимсираб кетдилар. Ўрнимдан учиб турдим, шу кунгача онамни бу қадар аниқ, яқиндан кўрмаган эдим. Соғинган эканман, йиғладим, ахир, онамни йигирма йил олдин тўшакда бемор бўлиб ётганларида охирги бор кўрган эдим. Тушимдаги бир лаҳзалик дийдор, меҳрни умримнинг охиригача эсласам керак. Бошим осмонга етди: ўзимча нималарнидир тушунгандек бўлдим — қувондим, демак, навбат, хурсандчилик кунлари — тўйлар қилиш ўз ўғил-қизларимга етибди. Энди фарзандларимнинг ташвиши, орзу-ҳавасини деб яшасам бўлади...

**МУАЛЛИФ ҲИКОЯСИ**

— Акобир, Жаҳонгир, Ўлмас — булар Бухоронинг уч машҳур полвони — Собир Қурбонов, Барно Жўраев, Чори Шариповнинг ўғиллари. Одатда полвонлар ўғлини суннат тўйи қилишганида наҳорда ош тортиб, кундузи кураш беришади. Юқорида номлари тилга олинган Акобир, Жаҳонгир, Ўлмас — кечагина тўйбола эдилар. Бугун улар улғайиб, оталари сингари полвон, ҳатто жаҳон чемпиони деган юксак номга эга бўлдилар. Ана шу уч полвоннинг суннат тўйида Бобоназар полвон биринчи табоқ — бош соврин учун курашган, туя, от, ҳўкиз ютиб ҳанузгача ширин хотира билан яшайди. Гап совринда эмас, ғалабанинг гашти бўлакча, бунинг устига чемпионларнинг тўйида олишиш полвонга фахр, қувонч улашади. Ахир, тўйида курашиб енгган полвонни унутиб бўладими? Улғайганда ғолиб полвонни бот-бот эслайсан, худди шу тартиб, шу йўсинда кураш ва полвон, ғалабанинг умри давом этиб, авлоддан авлодга ўтаверади.

Қирқ ёшли баҳодир ва унинг атрофида, даврасида елкама-елка турган устозлари, тенгдошлари ҳақида фахрга тўлиб айтадиган сўзим кўп. Аммо, шуни ҳам айтиш жоизки, бугун унча-бунча гап, воқеа журналистни ҳаяжонга солиши қийин. Бобоназар мисолидаги Бухоро полвонларининг ҳамкорлик, аҳиллик, устозу шогирдлик шартлари, аҳдига содиқлиги ибрат бўларли, ҳавас қилса арзигулик ҳаёт.

— Курашдан топган дўстларимни ҳеч қачон йўқотмайман, ўзимдан олдин курашган полвонларни қадрлайман, эслайман, — бу сўзлар Бобоназарнинг шиори эмас, ҳаётининг мазмунига айланган ва юрагида, аҳдида ўзи билан олиб юрадиган энг катта бойлиги, ишонган, топинган эътиқодидир.

ЯНА БИР ГАП: Бобоназар меҳрни, мурувватни жуда эрта излаган, топса, аввало, яқинларига улашган йигит. Гарчи меҳр-мурувват осон топилмаганидек, уни бировларга улашиш ҳам осон эмас. Бугун у бош бўлган фермер хўжалигида 15 киши сидқидилдан ишлайди. Улар учун чўлда ҳам, қишлоқда ҳам( мавсумий, доимий) шароитлари тўкис уйлар қурилган. Йилига 40 тоннага яқин гўшт тайёрланади, бундан энг аввало Жондор тумани ва Бухоро шаҳри аҳолиси баҳраманд бўлади. Ўзи яшаётган қишлоғини қишин-ёзин арзон баҳода гўшт билан таъминлашга ҳаракат қилади.

Бобоназарнинг бир гапи (худди ўгитга ўхшайди) эсимда қолди:

— Одамларнинг меҳнатини қадрлаш керак, дейишади, тўғри гап, бу, аммо, аввало, уларнинг юрагидаги орзу-ҳавасни кўпроқ қадрлаш керак. Фермамизда ишлаётганларнинг мендан қарзи йўқ, аксинча, мен улардан қарздорман. Чунки, улар меҳнат қилиб, аввало ўз оиласига, сўнг эса менинг хонадонимга файз киритишади. Ҳар бирининг тўй-маъракаларида, қўрқмай бошлайверинг, гўшт мендан деб далда бўламан, охиригача бош бўлиб тураман. Ўртамизда майда-чуйда харажатлар ҳақида гап бўлиши мумкин эмас, чунки эркак майда-чуйдадан баланд турсин, қисилмасин, боши эгилмасин. Эркакни кемирадиган, юзага чиқишига йўл бермайдиган бирдан-бир хатар — турмушдаги майда-чуйдалар, етар-етмаслик...

Бобоназар билан хайрлашаётганимда унинг кенг ва узун, баланд усулда қурилган дарвозахонасига эътибор бердим. Бухорада уйдан олдин дарвозахона қуриш одат. Бунинг ҳам ўз ҳикмати, тарихи бор... Мен учрашган барча полвонларнинг дарвозалари бир-бирига ўхшамасада, аммо, дарвозахоналари баланд шифти, кенг ва узун қурилиши билан бир-бирига уйқаш эди. Баландликка не етсин. Юракка ҳавас ва ҳайрат соладиган нарсаларнинг бари баланд, юксак бўлади.

**Ражаббой РАУПОВ,**
**Бухоро.**

# БУ АЖИБ ДУНЁ

● АҚШ фуқароларининг умри узаймоқда. Бу албатта, мамлакатда турмуш фаровонлиги ва тиббиётнинг яхши ривожланганидан далолат беради. Шу боис, АҚШ фуқаролари янги йилдан бошлаб, нафақага 65 ёшдан эмас, 67 ёшдан чиқадиган бўлди.

* * *

● Маймунлар фақат иссиқ ўлкаларда яшайди, деб ўйлаганлар хато қилади. Масалан, Францияда ҳам минг-минглаб ёввойи маймунлар яшар экан. Ўтган ҳафтанинг дам олиш кунида Франция ўрмонларида маймуннинг ёввойи тури — макакаларни оммавий овлаш уюштирилди.

* * *

● «Йўлдош» алоқа телефонлари ҳануз қиммат «ўйинчоқ» экани маълум. Бироқ, яқин орада бу борада ҳам ижобий ўзгариш кутилмоқда. Гап шундаки, АҚШда бир марталик йўлдош алоқа телефонлари яратилди. Ушбу арзон телефонда маълум дақиқа гаплашгандан кейин, уни бемалол ахлат қутисига улоқтиришингиз мумкин.

* * *

● АҚШ олимлари Мисрдаги «Даҳшат дараси» деб аталадиган жойда узоқ вақт тадқиқот ишлари олиб борди. Натижа шу бўлдики, қадимий алфавит эрамиздан аввалги 19 асрда яратилган экан.

* * *

● Жанубий Кореянинг «Ханми» фармацевтика компанияси уй шароитида ракни аниқлайдиган асбоб яратди. Бу асбоб билан ушбу мудҳиш касалликнинг бошланғич даврини аниқлаш мумкин бўлади. Асбобнинг қачон сотувга чиқарилиши ҳали маълум эмас.

* * *

● Форс қўлтиғидаги нефть экспорт қилувчи қатор мамлакатларда бургут билан ов қилиш туя пойгаси каби жуда оммавий ҳисобланади. Бу мамлакатларда, баъзи бургутларнинг баҳоси қимматбаҳо автомобиль нархи билан тенглашар экан.


«АЛЛАН СЕРВИС» АЖ

барча турдаги

тракторлар

эҳтиёт қисмларини

ТАКЛИФ ЭТАДИ

*Дўконимизда ҳамиша Т-28, МТЗ-80, «Алтай» ва бошқа русумли тракторларнинг 500 дан ортиқ эҳтиёт қисмлари ҳамда ҳар хил русумли юк ташувчи автомабилларнинг эҳтиёт қисмлари пул ўтказиш йўли билан*

Манзил: Тошкент шаҳри, Жарқўрғон кўчаси, 43-уй. «Сельхоззапчасти» дўкони. Телефон: (3712) 96-63-21 191-93-82.



RAMIKAB

***ХЎЖАЛИКЛАР, ТАЪМИРЛАШ КОРХОНАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ, ФЕРМЕРЛАР ДИҚҚАТИГА***

# Эҳтиёт қисмлар сотилади

«Рамикаб» ишлаб чиқариш-тижорат фирмаси қишлоқ хўжалиги техника воситаларида қўлланиладиган 75х100, 85х105, 140х170 манжетларни, А-01, Т-4А, Т-28х4, МТЗ-80-82 ва ўрим комбайнлари учун зарур бўлган 700 хил, шу жумладан № 7519 подшипникларни

## ТАКЛИФ ЭТАДИ

Ҳисоб-китоб пул ўтказиш йўли билан.

**Манзилимиз: Тошкент, Мухтор Ашрафий кўчаси, 168-уй.**

**Телефонлар: 191-61-59 (факс); 30-86-86.**






**Сирғали туманидаги 598-лицей-боғчада кичкинтойлар меҳр билан тарбияланмоқда.**

**Суратда: тарбиячи Шаҳноза Расулова жажжи қизалоқларга тикишни ўргатмоқда.**

**Шавкат АКРОМОВ олган сурат.**


Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Бахтиёр ОЛИМЖОНОВ, Олим АТАЕВ, Абдурашид БОБОМИРЗАЕВ, Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ (ижодий гуруҳ раҳбари), Эркул ЗИКРИЁЕВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Собир МУРОДОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосарлари), Маъмуржон ҚИЁМОВ (масъул котиб).

МУАССИСЛАР:
*Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзпахтасаноатсотиш» уюшмаси, «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» компанияси, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.*

Телефонлар: Бош муҳаррир ўринбосарлари — **133-16-27, 133-44-43,** масъул котиб — **136-56-26,** ижодий гуруҳлар: агросаноат мажмуи — **133-09-93,** ижтимоий ҳаёт ва ҳуқуқ, молиявий хизмат — **136-56-30,** макроиқтисодиёт — **136-56-25,** маънавият-маърифат ва спорт — **136-54-42,** хатлар ва вилоят мухбирлари билан ишлаш — **136-56-30,** реклама ва эълонлар — **136-54-44.**

**МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32**

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

**«Қишлоқ ҳаёти» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.**

**Рўйхатдан ўтиш тартиб рақами 00006. Буюртма Г— 0989, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2. Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди 20.30.** 1 2 3 3 4 6.